ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Равшанбек Маҳмудов
Гулистон давлат университети профессори фалсафа фанлари номзоди

Аннотация: Учинчи Ренессанс бунёдкорларини тарбиялашда фалсафа, ахлоқ. нафосатшунослик, мантиқ, касбий маънавият ва бошқа сиёсий фанларини аҳамияти катта. Етук мутахассисда аввало, инсонийлик хислатлари бўлиши, миллий қадриятларни мукаммал эгаллаган, биладиган ва ҳаёти давомида қўллай олиши зарур. Ижтимоий фанлар мамлакатда бўлаётган барча ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлишига миграциянинг мазмун-моҳиятига тушунадиган энг асосийси комил, етук, баркамол, Ватан тараққиётини ривожлантиришга ҳисса қўшувчи шахс бўлиб тарбияланишида, одоб-ахлоқи, дунёқараши ўрнакли бўлиши кераклиги, ўз фикрини эркин ифодалай олиши, мантиқли, маъноли гапириши нотиқлик санъатини эгаллаши зарурлиги тўғрисидаги масалалар мақолада ёритилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессаснс, миграция, ижтимоий фанлар, комил, етук, баркамол, ахлоқ, нафосат, фалсафа, мантиқ, дунёқараш, тарбияланганлик, нотиқлик санъати, нутқ маданияти.

Янги Ўзбекистон тараққиёти фақат иқтисодни ривожлантириш, янги завод-фабрикаларни кўпайтириш, чет эллардан мутахассисларни чақириб ўқитишни ёки ИТ паркларни пайдо бўлишини ўзи билан бўлмайди. Ўша янги пайдо бўлган барча корхона, ташкилотларда Ўзбекистон ёшлари, фуқаролари фаолият кўрсатишади. Ўзбекистон Президенти Учинчи Ренессанс бунёдкорларини тарбиялаш учун президент мактаблари, ижод мактаблари, фанларни чуқур ўқитадиган ихтисослашган мактаблар ташкил этди. Ҳар бир вилоят, туман, шаҳарларда мусиқа, спорт мактаблари пайдо бўлди. Буларни барчаси таълим сохасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси. Ўзбекистонда ростини айтиш керак, яқин йилларгача ҳам бironта нодавлат олий ўқув юрти,нодавлат боғча, мактаб, техникум бўлмаган.

Бугун ўзгаришларни,ривожланишларни,ислоҳатларни натижаси сифатида мамлакатда ўттизга яқин нодавлат олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Биргина, Россия Федерациясининг ўн бешта етакчи олий ўқув юртлари филиаллари Ўзбекистонда мавжуд. Қадимдан халқимизда "билим-Чин-Мочинда бўлса ҳам бориб ўқи","Бешикдан қабргача илм изла " деган ҳикматли гаплари бор. Бугун 63 минг ёшлар Россия давлатининг етакчи олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Дунёнинг энг етакчи давлатларидаги олий ўқув юртларида ёш йигит-қизларимизни билим олаётганликлари тахсинга сазовор.

"Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, билим олиши ва қобилиятини намоён этиши учун барча шароитларни яратмоқдамиз. Зеро, бутун халқимиз қатори ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир!"[1] [2.54], - деб ёзган эди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон стратегияси"да китобида. Бугунги энг долзарб вазифалардан бири мамлакатнинг 37 миллион аҳолисининг сал кам олтмиш фоизини ташкил этадиган янгича фикрлайдиган ёшларини она-Ватанга садоқат руҳида катталарга ҳурмат, одоб-ахлоқли, фаҳм-фаросатли, билимли, баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Мамлакатимизда "Маънавий-ҳомий", "Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий" каби тамойиллар ишлаб чиқилди ва амал қилмоқда.

Халқимизда "Тарбияда танаффус бўлмайди" деган ҳикматли гап бор. Бу ҳар бир оила ўз фарзандига таълим-тарбия бериши шарт дегани. Ҳар бир ота-она мураббийлик, тарбиячилик вазифасини юракдан, сидқидилдан, келажакни ўйлаб бажариши зарур бўлади. Агар бугун ижтимоий тармоқлардаги статистикага эътибор берсангиз дилингиз хуфтон бўлади. Яқинда Ўзбекистон Олий Мажлиси сенатидаги йиғилишда анча аянчли рақамлар тилга олинди. Ўқувчилар ўртасидаги жиноятчилик 2021 йилдагига нисбатан 2022 йилда, 2022 йилдагига нисбатан 2023 йилда 20-30 фоизга ,2024 йил ўтган даврида ҳам ошган. Ўғирлик, фирибгарлик, тан жароҳати, товламачилик, одам ўлдириш, зўравонлик каби жиноятларда ўқувчиларни иштирок этиши, талабалар, умуман ёшлар ўртасида жиноятчиликни ўсиши Янги Ўзбекистонликларга ярашмайди. Айниқса, зиёлиларни ўртасида жиноятчиликни кўпайиб бораётгани жуда хавфли саналади. Турли жиноятлар билан қамоққа тушган маҳкумларни фарзандларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, совға-салом тарқатилаётгани теварак-атрофидаги жиноят қилмаган ота-она фарзандларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини ўйлаб кўриш керак.Ёшларда шукроналик туйғусини яхшироқ шакллантириш учн эса миграция нималигини ҳам ўргатишимиз зарур деб ўйлайман.Миграция мазмун-моҳиятини ёшларимиз яхшироқ билса тинчлигимизнинг,ўзгаришлар бўлаётганлигини аҳамиятини теранроқ тушинган бўларди ёки тўқликка шўхликлар камайган бўларди деб ўйлайман.

Инсон дунёқараши муракккаб. Дунёқарашни шакллантириш учун эса ижтиомий-гуманитар фанларни кўпроқ, яхшироқ ҳаётга боғлаб ўқитиш зарур.Инсонни ким бўлиб шаклланиши унинг ёшлигида олган билимига,дунёқарашини қандайлигига боғлиқ бўлади.

"Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти катта",-деб ёзган эдилар мамлакат етакчиси.

[1] Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон". 2021. 54- бет

"Болаларни гўдаклигидан бошлаб юксак маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш", "Ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, мустаҳкам ирода, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни босқичма-босқич шакллантириш" каби вазифаларни бажарилишини таъминлаш бугунги кундаги энг асосий, долзарб вазифалардандир. [3.287]

Маънавият нима? Маънавиятлиликни ҳосил қилиш, шакллантириш қаердан бошланади, воситалари нималардан иборат каби кўплаб саволлар бор. Ҳаводек керак бўладиган маънавиятни,маърифатни тарбияни бола аввало оилада ота-онасидан олади. Бугун оила қураётган ёшларда ота,она,фарзанд деган тушунчаларга муносабат қандай?Афсуски ,бугун рақамларга назар солсак янги оила қураётганларни тахминан 20,30 фоизи бир-икки йил бирга яшамай ажрашиб кетмоқдалар. Болалар етим бўлиб қолмоқда.Ота ёки онасиз вояга етаётган ёшларда оқибат,меҳр-шавқат каби инсоний туйғулар нисбатан кам бўлмоқда. Болаларнинг меҳрсиз,бағритош бўлиб вояга етаётганликлари сабабли афсуски қайсидир маънода жиноятчиликни кўпайишига сабаб бўлмоқда деб ўйлайман. [4.25]

Одатда 18-20 ёшлиларга олий ўқув юртларида оддий саломлашишни,одоб-ахлоқни,ўзини бошқаришни,кўпчиликни олдида ўзини тута билишни ўргатишга тўғри келмоқда. Бу оддий урф-одатларни илдизлари қаерда? Бизнингча,"Қуш уясида кўрганини қилади" ,-деган ҳикматли гап бор. Демак,бола туғилиб катта бўлиб вояга етганидан кейингина эмас балки бола туғилмасидан аввал таълим-тарбияни бошлаш керак, яъни барча ота-оналар фарзандларига талаб даражасида тарбия беришлари зарур. Бунинг учун эса мактабларда, адабиёт, ахлоқ, нафосат, мантиқ, фалсафа фанларини ўқитишни яхши йўлга қўйиш керак.Оилаларда бу тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш зарур. Узоқ йиллар аввал Гулистон давлат университетида "Ёшларни оилага ,ҳаётга тайёрлаш "марказлари ташкил этилган эди. Менимча бу марказларга яна эҳтиёж туғилмоқда.Олий ўқув юртлари ўқув режаларига масъул бўлган ходимлар бугунги кунда асосан технологлар бўлганликлари учун ҳамма нарсани фақат ҳисоб-китоб билан олиб боришлари эвазига ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга эътибор сўнги даражага тушиб қолди. Ижтимоий-гуманитар фанлар инсон руҳиятини тарбиялайди. Ёшларда хис-туйғуларни вужудга келишига, ривожланишига, шаклланишига асос бўлади. Файласуфларда гап бор: "Инсон овқат ейиш учун яшайдими, ёки яшаш учун овқат ейдими?". Инсон мураккаб ҳилқат, тарбия эса оғир, масъулиятли вазифа. Мактаблардаги "Ватан туйғуси", "Манавият асослари", "Ижтимоий иш" каби фанлар биргина "Тарбия" фанига қўшиб юборилди. Олий ўқув юртларидаги 120 соатлик "Фалсафа" фани, 42 соатлик "Нафосат" (Эстетика), 40 соатлик "Ахлоқ" (Этика), 40 соатлик "Мантиқ" (Логика), 30 соатлик "Маънавият асослари" фанлари қўшилиб жами 30 соатга келтирилди. Бу фанларнинг ҳар бирини алоҳида объекти, предмети, вазифаси, қонунлари, категориялари, функциялари мавжуд. Гўёки, бугунги ёшлар ахлоқли, дидли, нафосатли, етук дунёқарашли, мантиқли фикрлайдиган, чиройли гапирадиган, баркамол етишиб бўлишди. Амалда-чи? Рақамларда раҳм-шавқат бўлмайди. Бу фанлар ўқитилса ҳамма нарса ўзгаради жиноятчилик камаяди деган юзаки фикрдан йироқмиз. Инсон дунёқараши ўз-ўзидан осонликча шаклланмайди. Узоқ муддат керак бўлади. Бугунги ёшларда мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар табиий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда. Ҳолбуки, мамлакат етакчисининг кўплаб фидоий инсонларнинг ақл-заковати, билими, ҳаракати орқали Ўзбекистонда тинчлик ҳукм сурмоқда, ривожланиш бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, менимча, барча таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларда, ижтимоий –гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида шукуроналик тарбиясини, ҳаётдан рози бўлиш кўникмасини, жамиятга хисса қўшиш ҳаракатини шакллантиришга эътибор қаратиш зарур. [5.67]

Биринчидан, ёшларда оддий инсонийлик туйғуларини, катталарга ҳурмат, ўзини инсон сифатида ҳурмат қилишни аслида ота-оналар ўргатишлари керак. Шунинг учун жойларда, маҳаллаларда "Ёшларни оила қуришга тайёрлаш маркази", "Келинликка тайёрлаш мактаби", "Куёвликка тайёрлаш марказлари"ни ташкил қилиш керак.

Иккинчидан, турмуш қураётган ёшларга оила функцияларини ўргатиш учун эса "Ахлоқшунослик", "Нафосатшунослик", "Мантиқ" фанларини кенг, тўлиқ ўргатиш керак деб

ўйлайман. Бундан ташқари, жамиятдаги ўзгаришларни ҳис қилишлари, идрок этишлари, дунёқарашлари кенгроқ бўлишлари учун барча фанларнинг отаси (Аристотел) бўлган Фалсафа фанини 120 соатлик дастур асосида ўқитилиши керак.

Учинчидан, мактаб , лицей, коллеж, техникумларнинг битиривчи синф ўқувчилари учун "Миллий урф-одатлар – тарбия воситаси", "Миллий қадриятлар – етуклик меъзони", "Оила – тарбия қўрғони" каби махсус курслар, фанларни ўқитилиши ёшлар маънавиятини кенгайишига ўсишига катта таъсири бўлади деб ҳисоблаймиз. Афсуски, бугун мактаблар рейтинглари ўқувчиларини олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан белгиланмоқда. Бу ҳам керак. Лекин мактабни тугатаётган ёшлар, аввало, том маънодаги инсонийлик ҳислатларига, фазилатларига эга бўлишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи боби 1-моддасида "Ўзббекистон бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат"[6.5], деб кўрсатилган. Ижтимоий – дегани Ўзбекистонда яшаётган барча миллат, элат, жинсдаги, ёшдаги инсонлар давлат ҳимоясидадир, - деганидир. Янгиланган Конституцияда ижтимоий сўзининг киритилиши жуда катта масъулият, вазифа ҳосил қилади.

Ижтимой фанлар инсонни жамиятда ўз ўрнини топишларида, ҳаётдан рози бўлишларида, ота-онага, она Ватанга ҳурмат садоқат, ҳалоллик, поклик, руҳий озодлик, маънавий етуклик каби юзлаб хислатларни, фазилатларни ҳосилл қилишга ёрдам беради.

Бугун етук, баркамол мутахассисларни тарбиялаш учун Президент қарори билан ташкил этилган "Маънавиятшунослик", "Касбий маънавият" ҳамда "Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти" фанларини олий ўқув юртларини барча йўналишларида ўқитилиши зарурдир. Бу ижтимоий-гуманитар фанларни ўқимасдан, ўрганмасдан, ўзлаштирмасдан туриб етук мутахассис бўлиш мумкин эмас.Афсускс бу фанлар кўплаб олий ўқув юртларида ўқитилаётгани йўқ.

Хулоса қилиб айтганда,Янгиланаётган Ўзбекистонда , жамият, инсоният тараққиётида, ёшлар дунёқарашини шакллантиришда, ҳаётдан рози бўлиб, турмуши давомида бахт-саодат топишида, ватанпарварлик, инсонийлик меҳнатсеварликни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар анлар, фалсафа, ахлоқшунослик, нафосат, мантиқ, маънавият асослари, маънавиятшунослик, касбий маънавият фанларини ўқитишнинг ва миграция мазмун-моҳиятини аҳамияти беқиёсдир. Инсон диди фаҳм-фаросати, инсонийлик хислатлари, фазилатлари билан олий мавжудоддир. Олий қадрият бўлган инсонни етук, баркамол қилиб тарбиялаш ,дунёқарашини кенг бўлиши зарурлиги ҳамма даврларда ҳам энг долзарб вазифа ҳисобланган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон". 2023.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон". 2021.
3. Маҳмудов Р. Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти. Дарслик. Т.: "Мумтоз сўз". 2021.
4. Маҳмудов Р. Касбий маънавият. Ўқув қўлланма. Т.: "Инновацион Зиё". 2023.
5. Mahmudov, R. J. (2020). Problems of studying the scientific heritage of Hussein Wayz Kashifi. Bulletin of Gulistan State University, 2020(3), 60-66.
6. Mahmudov, R. J. (2021). Socio-political, spiritual and moral views of Zainiddin Vasifi. Bulletin of Gulistan State University, 2021(1), 55-63.
7. Қуранбоев Қ. Ўзбекистон миллий стратегияси.Т.,2015.